

ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ЎСИШИНИ БОШҚАРУВЧИ ПРЕПАРАТЛАРНИ КЎЧАТНИНГ СИФАТИГА ТАЪСИРИ

Умурзаков Элмурод Умурзакович, қ.х.ф.д., профессор,
Мамасалиев Илхом Фарходович, таянч докторант,
СамДУ.

Аннотация: Эдагум СМ, гумми, натрий гумати каби ўсимликларнинг ўсишини бошқарувчи воситаларни қўллаш тамаки кўчати илдиз тизими ҳажмини 22,9 дан 48,6 % гача, қуруқ массасини 21,4 дан 31,4 гача, стандарт кўчат чиқишини 26,2 дан 43,5 % гача (назоратга нисбатан) ошириши аниқланди. Кўчатларни илдиз чириши касаллигига бардошлигини кескин оширганлиги қайд этилди.

Калит сўзлар: натрий гумати, гумми, эдагум СМ, тамаки, майсалаш, кўчатхона, барг, самарадорлик.

Annotation. The use of growth regulators - edagum SM, gum, sodium humate on tobacco breeding grounds increase compared to control the volume of the root system of tobacco seedlings by 22.9-48.6%, dry weight yield by 21.4-31.4%, output of standard seedlings 26.2-43.5%. At the same time significantly increases the resistance of plants to root rot disease seedlings.

Key words. sodium humate, gum, edagum SM, tobacco, root rot seedlings, seedlings, tobacco seedlings, efficiency.

Кириш. Тамаки кўчат орқали етиштирилаётган экинлар турига киради. Тамакини ҳосили ва хом ашё сифати ўз вақтида етиштирилган кўчатнинг стандарт талабларига жавоб бериши ва унинг зарарли организмлардан ҳимоя қилинганлигига боғлиқ (2,3,5,7).

Тамакичиликда кўчат етиштиришга алоҳида эътибор берилиши ва бу йўналишда тадқиқотлар олиб борилиши ва инновацион усуллардан кенг фойдаланиш долзарб масалалардан ҳисобланади (2,3).

Сифатли кўчат етиштириш борасида фанда бир қатор илмий ва амалий ишлар бажарилган. Бутунроссия тамаки ва махорка экинлари илмий-тадқиқот институти олимлари Л.Г.Рильцева, М.П.Ненашева, В.Г.Неупокоевалар (2009) натрий гумат физиологик фаол моддасини тамаки кўчатига таъсирини ўрганиб, кўчатни ўсиш даврида 0,01-0,05% эритмасини қўллаганда кўчат сифатини кескин оширган. Улар кўчатда кечадиган физиологик жараёнларга регуляторларни таъсир кўрсатиши тўғрисидаги маълумотларни келтириб ўтган.

Тажриба шароитлари ва услублари. Ўсимликларни ўсишини бошқарувчи биологик фаол воситаларни тамаки кўчатини ўсишига таъсири ЎзБАТ қўшма корхонаси Агрономия маркази даласида 2020-2021 йилларда тамакининг Басма навида ўрганилди. Тамаки кўчатини етиштириш технологияси мавжуд тавсиялар асосида амалга оширилди (2). Тажрибада натрий гумати, (30% э.кук), гумми (30% паста), эдагум СМ каби биологик фаол воситалар синаб кўрилди. Препаратлар кўчатнинг майсалаш, “қулоқча” давларида ва кўчатларни тайёр бўлишдан 6-8 кун илгари 0,05 % концентрацияда сепилди. Тажрибадаги кузатув ва ўлчовлар “Методика полевых агротехнических опытов с табаком и махоркой” услублари асосида амалга оширилди (3). Тамаки кўчатининг сифат кўрсаткичлари ГОСТ 10-133-88 га мувофиқ

аниқланди (4). Тажрибада ҳар бир вариант 4 қайтариқда, ҳар бир қайтариқлардаги кўчатхона майдони 30 кв.м дан қилиб олинди. Жами тажриба кўчатхона майдони 600 кв.м ни ташкил қилди.

Тажриба схемасида назорат сифатида оддий сув сеппи варианты киритилди.

Тажриба натижалари. Ўсимликни ўсишини бошқарувчи моддалар - регуляторлар замонавий деҳқончиликда жуда кенг қўлланилмоқда ва уларнинг самарадорлиги экинлардан юқори ҳосил олишда яққол сезилмоқда. Айниқса, кўчат орқали етиштириладиган экинлар, жумладан тамаки кўчатини сифатини яхшилашга қаратилган тадбирлар муҳим амалий аҳамият касб этади. Ўсимликни ўсишини бошқарувчи моддалар тамаки кўчати етиштиришда қўлланиши ижобий самара бериши аниқланди. Тамаки кўчатини етиштиришда ўсимликларнинг ўсишини бошқарувчи воситаларни қўлланилиши кўчатни ўсиши ва уни илдиз тизими шаклланишига ижобий таъсир кўрсатди.

Айниқса, кўчатнинг майсалаш, “қулоқча” давларида ва кўчатни далага экишдан 6-8 кун илгари натрий гумати ишлатилиши кўчатни илдиз тизими ҳажмини 48,6 %, кўчатни қуруқ массасини 31,4 % га ва стандарт кўчат чиқишини 43,5 % га оширилди. Ушбу кўрсаткичлар бошқа препаратларга қараганда юқори бўлганлиги қайд этилди.

Ўсимликларни ўсишини бошқарувчи воситаларни тамаки кўчатхонасида синаш тажриба натижасига кўра, уларни кўчатни шакллантиришга бўлган самарадорлиги қуйидагича бўлди: натрий гумати, эдагум, гумми.

Биологик фаол воситаларни тамаки кўчатхонасида қўллаш уни илдиз тизими ҳажмини кескин равишда ошириши уни далага ўтказилганидан кейин илдиз тутишига ижобий таъсир кўрсатди.

Ўсимликнинг ўсишини бошқарувчи воситаларнинг тамаки кўчати биометрик кўрсаткичларига таъсири

Тажриба вариантлари	Кўчат илдиз тизими ҳажми, см ³	Назоратга нисбатан, %	Кўчатнинг қуруқ массаси (25 дона), г	Назоратга нисбатан, %	Стандарт кўчатларнинг чиқиши, м ² /дона	Назоратга нисбатан, %
Назорат ишловсиз	0,35	100,0	8,07	100,0	1613	100,0
Натрий гумати 30% э.кук.	0,52	148,6	10,63	131,4	2314	143,5
Гумми, 30%	0,43	122,9	9,80	121,4	2036	126,2
Эдагум СМ	0,48	137,1	10,16	125,9	2111	130,9

Ўсимликларни ўсишини бошқарувчи воситалар қўлланилган кўчатхоналардан олинган стандарт кўчатхоналарни далада томир тутиш даври кескин қисқарганлиги қайд этилди. Агар назорат вариантдан олинган кўчатларни томир тутиши 25-30 кунни ташкил қилган бўлса, препаратлар қўлланган кўчатларни томир тутиши 15-17 кунга қисқариши уни келгусидаги бир маромда ўсиши ва ривожланишига ҳамда барглари тўлиқ пишиб етилишига имкон яратди.

Ўсимликларни ўсишини бошқарувчи воситаларни тамаки кўчатхонасида қўлланилиши юқори сифатли, бақувват ва соғлом кўчат етиштиришга имкон яратди, шунингдек

нихолларнинг даладаги ўсиш ва ривожланишини бир қадар жадаллашувига имкон яратди.

Хулосалар. Кўчатхоналарда ўсимликларни ўсишини бошқарувчи воситаларни қўллаш кўчатни сифат кўрсаткичларини соҳа стандарти талабларига мувофиқ шакллантиришни таъминлайди. Уларни дала шароитида жадал ўсиши ва ривожланишига олиб келади. Тажрибада синалган препаратлардан натрий гумати юқори ҳўжалик самарадорликни кўрсатди. Бунда тегишли равишда стандарт кўчатни чиқиши 43,5 % ни ташкил қилди. Препаратларни кўчатни майсалаш, “қулоқча” даврида ва уни далага саралаб олишдан 6-8 кун илгари 3 марта сепиш тавсия этилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Жуков А.М. Влияние регуляторов роста на урожай зерна озимой тритикале. Аграрная наука . 2007. №12.с .14-15.
2. Умурзоқов Э., Ҳамзаев Ш. Измир кўчатини етиштириш. Ўзбекистон кишлоқ ҳўжалиги, 2008, № 6. б. 33.
3. Умурзаков Э.У. Технология возделывания и уборки восточных и американских сортотипов табака в условиях Узбекистана.// - Автореф. дисс.на соиск.уч.ст.д-ра с.-х.наук, Ташкент, 1999, 38с.
4. Псарев Г.М., Штомпель Ю.А., Оказов П.Н. и др. Методика полевых агротехнических опытов с табаком и махоркой. // - Краснодар. 1978. с.140.
5. Рассада табака.//Технические условия: ОСТ 10-113-88. Москва. Росагропром, 1988, с. 8.
6. Рыльцева Л.Г., Ненашева М.П., Тютюнникова Е.М., Неупокоева В.Г. Применение гумата калия при выращивании рассады табака.// Сборник научных трудов ГНУ ВНИИТТИ, - Краснодар, 2009, - Вып. 178. – с. 221-225.
7. Алехин С.Н., Мурзинова И.И., Сидорова Н.В. Совершенствование технологии выращивания рассады табака в России.// Сборник научных трудов ГНУ ВНИИТТИ, - Краснодар, 2009, - Вып. 178. – с. 226-240.
8. Рыльцева Л.Г. Формирование качества рассады новых сортов табака сортотипа Вирджиния.// Сборник научных трудов ГНУ ВНИИТТИ, - Краснодар, 2009, - Вып. 178. – с. 216-221.
9. Алехин С.Н., Сидорова Н.В., Науменко С.Н., Виноградов В.А. Минеральное питание и черная корневая гниль табака.// Защита и карантин растений. - 2000. - № 7.-с. 32.
10. Филиппчук О.Д. Своевременное технологии защита растений и фитосанитарная оптимизация табачного агроценоза.// Сборник научных трудов ГНУ ВНИИТТИ, - Краснодар, 2008, - Вып. 177. – с. 141-149.
11. Филиппчук О.Д. Методика проведения полевых опытов по защите табака от вредных организмов.// - Краснодар, 1994. – 77 с.

ANOR O'SIMLIGIDA UCHRAYDIGAN O'SIMLIK BITLARIGA QARSHI KIMYOVIY KURASHDA QO'LLANILADIGAN PREPARATLARNING SAMARADORLIGI

Botirov Sodiq Ahmad o'g'li,
Nizamiddinov Kamoliddin,
Ter AIRI assistentlari.

Аннотация. В данной статье выявлена эффективность обработки пестицидами в гранатовых садах Шерабадского района в зависимости от степени поражения, вызванного распространением тлей .

Annotation. This article reveals the effectiveness of pesticide treatment in the pomegranate orchards of the Sherabad district, depending on the degree of damage caused by the spread of aphids .

Kalit so'zlar: anor, o'simlik bitlari, preparat, hosildorlik, qarshi kurash, meyyor, tajriba, samaradorlik, barg, eksport, salohiyat.

Kirish. Bugun jahon tajribasi mamlakatlar iqtisodiy barqarorligini ta'minlashning asosiy omillaridan biri qishloq xo'jaligi tarmoqlarini rivojlantirish hamda eksport salohiyatini oshirish ekanini yaqqol ko'rsatmoqda. Hozirda eksport qilingan meva-sabzavotlarimiz dunyoning turli burchaklarigacha yetib boryapti. Oxirgi yillarda mahsulotlarni MDH mamlakatlaridan tashqari yirik tashqi bozorlar — Xitoy, Germaniya, Turkiya, Janubiy Koreya, Yaponiya, Hindiston, Boltiqbo'yi davlatlariga

eksport qilish yo'lga qo'yildi. Mamlakatimizda meva-sabzavot yetishtirish va qayta ishlashda sifatning yaxshilanishi, qadoqlash jarayonlarida zamonaviy texnologiyalarning qo'llanilishi hisobiga dunyoda o'zbek mahsulotlari, ayniqsa, gilos, anor, qovun, quritilgan mevalar, yong'oq va uzumga talab ortib bormoqda. Joriy yilning yanvar-fevral oylarida O'zbekiston 4,9 million AQSH dollari qiymatida 5,4 ming tonna anor eksport qildi, deb xabar bermoqda “Dunyo” AA muxbiri. Davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlariga